

WEDDING CEREMONIES IN THE TIMURID DYNASTY

Prof. Ochil Buriev

Karshi State University

Doc Abduvali Dustov

Karshi State University

Rasulbek Nazarov

Student, Karshi State University

ABSTRACT

Sources and literature on the field of Timur studies formed in Uzbekistan contain information about various district traditions and ceremonies, in particular, weddings, festivals, celebrations and ceremonies organized during the reign of Amir Temur and his successors. Well-known medieval historians Nizamiddin Shami, Sharafuddin Ali Yazdi, Hafizi Abru, Muiniddin Natanzi, Abdurazzaq Samarkandi, Fasih Hawafi, Arab historian Ibn Arabshah, the Spanish ambassador to Castile, Rui Gonalsa, the Spanish ambassador to Castile. data available. Also, the great metallurgists - B. Ahmedov, T. Fayziev, H. Bobobekov, U. Uvatov, Muhammad Ali, Omonullo Buriev, P. Ravshanov, writers H. Sattoriy, T. Hayit and the philosopher-scientist U. Koraboev's works also contain some information on this topic.

Ўзбекистонда шаклланган темуршунослик йўналишига оид манба ва адабиётларда Соҳибқирон Амир Темур ва ворислари даврида уюштирилган турли туман анъана урф-одат маросимлар, хусусан, тўйлар, сайиллар, байрамлар ва тантаналар ҳақида маълумотлар учрайди. Бу ҳақда ўрта асрларнинг таниқли муаррихлари Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Муиниддин Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Хавофий, араб муарриҳи Ибн Арабшоҳ, Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо, буюк алломалар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида қимматли маълумотлар мавжуд. Шунингдек йирик темуршонос олимлар - Б.Аҳмедов, Т. Файзиев, Ҳ. Бобобеков, У. Уватов, Муҳаммад Али, Омонулло Бўриев, П. Равшанов, ёзувчилар Ҳ. Сатторий, Т. Ҳайит ҳамда файласуф олим У. Қорабоевнинг асарларида ҳам мазкур мавзуга оид баъзи маълумотлар баён этилган.

Лекин темуршуносликдаги ушбу долзарб мавзу бўйича алоҳида махсус илмий тадқиқот ҳанузгача яратилганмаган. Қуйида турли тарих-этнография манба ва адабиётларга асосланиб Амур Темур ва ворислари давридаги халқ тўй, анъана, тантана ва маъракаларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Маълумки XIV-XV асрларда Туронда мавжуд бўлган анъанавий халқ байрамларининг олис минг йиллар қарига қараб кетган ва ҳудудда ўрнашиб қолган ислом динига ҳам улар сингиб сингиб кетган эди. Булар табиат уйғонишига боғлиқ баҳорги сайиллар - Наврўз, “ Қизил гул “, (Гули Сурх), Лола, сайиллари, диний ва ҳосил байрамлари ҳамда бошқа тантаналардан иборат бўлган.

Байрамлар шаҳар ва қишлоқларда бирдек ўтган, лекин пойтахт- дорусалтана Самарқандда, айниқса кенг кўлам касб этган ва уларда жамики ижтимоий табақалар, теурийлар хонадони аъзолари-ю сарой аҳлидан тортиб аҳолининг энг қуий қатламига қадар қатнашган, (Темур ва Улуғбек даври тарихи.- Т., 1996. Б.227).

Амир Темур Турон заминдаги мавжуд азалий анъаналарни изчил давом эттириб, ўзининг ҳар бир ҳарбий ғалабалар ва дипломатик муваффақиятлар тантанали нишонлаган. Доимо азиз меҳмонларини зиёфат ва базм билан сийлаган. Темурбек саройида ўрнатилган анъанавий қонун-қоидаларга қатъий амал қилинган. Фақат навбатдаги ғалаба нишонланган пайтдагина Соҳибқироннинг махсус фармойиши билан раиятига бир оз эркинлик берилган баъзан солиқлардан ҳам озод қилинган. Буюк хукмдор хайр-садақа қилишни сира ҳам қанда қилмаган. Чунончи ҳар бир ғалабасидан сўнг албатта катта-катта хайр-садақалар берган.

Маълумки, Амур Темур зафарли юришларида кўпгина ғалабаларни қўлга киритган. У ҳар бир ғалаба ва ютуқли кундан сўнг, албатта, тўй қилиш, зиёфат уюштириш қатъий одатга айлантирган эди. Бу зиёфат ва тантаналар байрамона ва тўкинчилик билан ўтиб, 3 кун, бир ҳафта, бир ой, ҳаттоки, 40 кунгача давом этган. Бу далиллар Соҳибқироннинг ниҳоятда ҳаётсевар бўлганидан, одамлар шодлиги ва қувончидан ўзи ҳам бағоят завқланганлигидан дарак беради, (Ҳаким Сатторий. Ҳазрат Соҳибқирон. Т.2005.(Б.37).

Халқ байрамлари кенг миқёсида тантанали ўтказилиб ҳам ижрочи санъаткорлар фаол иштирок этишган. Тўй ва базмлар ҳашаматли саройларнинг кенг ички саҳнлари ва айвонларида Темурбекнинг малика ва шахзодаларнинг ҳузурида ҳам уюштирилган. Аммо аксарият ҳолларда тантаналар шаҳар майдонларида регистонларда, табиат қўйнида, яйловларда, дарё ва анҳорларнинг соҳилларидаги махсус сайилгоҳларида ташкил этилган.

Мазкур тантаналарда оддий фуқароларгина эмас, балки минглаб навкарлар, уларнинг оилалари, шунингдек ҳунармандлар ва тижоратчилар иштирок этишган., Жанговар спорт беллашувлари ўйинлар кураш, кўпқари ва томошаларда турли тоифадаги кишилар, ижрочилар ва томошабинлар қатнашишган.

Кенг қамровли тўй ва байрамлар дорулсалтанат Самарқанд ҳамда Шаҳризабз ва Ҳирот каби йирик шаҳарларда ўтказилиб уларда кўп минглаб навкарлар иштирок этишган. Амир Темур кўпинча Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзесида, Қобул яқинидаги отчопар ва Шарқий Кавказдаги Қорабоғ шимоли-ғарбидаги қароргоҳларда тадбирлар ўтказишни хуш кўрган. Одатда байрамларга пухта тайёргарлик кўрилган. Шаҳар ва майдонлари кўчалар безатилиб белгиланган жойларда равоқлар, қўшқлар, мезанала қурилган турли ранг-баранг чодирлар тикилган.

Амир Темур ва ворислари даврида иқтисодиёт маънавият ва илм-фан раванқ топган сайин турли тантаналар, байрамлар ва сайиллар ҳам кўплаб уюштирилган. Салтанатдаги барча тоифадаги аҳолини бирлаштириш марказлашган давлатни янада мустаҳкамлаш учун турли урф-одат, маросим ва анъаналарни доимо қўллаб қувватлаган. Аҳоли кайфиятини кўтарувчи тўй ва тантаналар байрамлар ва сайиллар ўтказишга Соҳибқирон бевосита ҳомийлик қилган. Тантаналарда минглаб

санъаткорлар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, якка ижрочилар ўйинчилар чавандозлар мерганлар полвонлар қатнашишиб махсус дастур асосида беллашишган.

Амир Темур доруссалтана Самарқанд шаҳрида Кўксарой (Бибихоним) масжиди, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, мажмуалари шаҳар атрофида, Боғи Чинор, Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Боғи Булдо, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Боғи Майдон, Боғи амирзода, Шоҳрух Боғи амирзода Улуғбек каби боғ ва саройларни бунёд эттирган. Шунингдек Тахти Қорача, Қора Туба, Давлатобод боғлари ҳам барпо қилинган. Тўй, маросим, сайил, байрамлар, ана шу гўзал масканларда тантанали уюштирилган.

Юқорида таъкидланганидек, Амир Темур даврида тўй-тантаналар, сайиллар ва байрамлар асосан, Самарқанд, Шаҳризабз ва Ҳирот шаҳарларида кўплаб ўтказилган.

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Амир Темур давридаги кўплаб тўй-томоша, маросимлар ва сайиллар уюштирилганлиги ишончли лавҳаларда баён қилинган. Асарда Соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ тўйлардан бири унинг Дилшод Оқа билан заффоф (никоҳ тўйи) қилгани ҳақида лавҳа келтирилган. “Ҳазрат Аллоҳ файзи мундоқ воқия бўлиб турурким, тўрт хотун олинглар, Соҳибқиронни жувонбахтга ул саҳройи дилкушода майл бўлдики Дилшод Оқани олғай, тўй асбобига ҳукм қилди.

Ҳазрат давлатидин хоссу омм барча шодком айшу ишрат била машғул бўлдилар. Ва ишрат асбобидин наким хаёлда кечар эрди барчаси муҳайё ва тайёр эрди.

Ва ҳар сориким кўрар эрдинг бир гули тоза баҳордек, эликида олтун пиёла тўла шароби арғувонидин олиб турар эрди. Ва ҳар тарафким, қулоқ солур эрдинг, бир тарафи ўлтуриб, суруд садосини олам ичра солиб, яхши уни билан айтур ашла, (Шарафуддин Али Яздий. Кўрсатилган асар .Б.78)

Удумга кўра ақлли, жасур йигитларни кўев қилишга ҳар бир ота-она интиланган. Амир Қазоғон ҳам ёш Темурбекни бу фазилати ва истиқболини кўриб, унга ўз неварасини Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркон Оқани никоҳлаб берган. Темурбек мусулмончиликнинг барча урф-одат ва маросимларини қатъий бажариб, пухта ўзлаштирган.

Мўғул хони Ҳизр Хўжахоннинг қизи Тўқалхонимга уйланишида қимматбаҳо совғалар билан унинг ўғли ва Ғиёсиддин Тархон совчиликка қўйилган. Тўқалхоним шарафига Самарқанд шаҳрида Дилкушо боғи ва маҳобатли сарой қурдирган. Муаррих Низомиддин Шомийнинг ёзишича, сарой аҳли Тўқалхонимни кутиб олиш учун 10 кунлик йўлга чиқади. Амир Темур билан келган амирлар ва хотинларни зару зеварлар билан сийлаб кўп навозишлар кўрсатади ва Тўқалхонимни шаръий никоҳлаб олади, (Низомиддин Шомий . Зафарнома.-Т.,1996.Б.223).

Амир Темурнинг Жета (Мўғулистон) хони Хизр Хўжахоннинг қизига уйланиши ва шаҳзода Искандарга Бекаси Султонни олиб берганда уч ой тўй бўлган. Муаррих Шарафуддин Али Яздий ёзадики “... Ва Ҳазрати олий тўй тартибига ишорат(қилди). Шаҳзодалар ва беклар барча яроғлирини шаҳардан чақириб, хайма-харгоҳ ва сарподалар тикти. Чодирлар ва оқ уйлар барча зарбофт кумошдар эрди. Бас, шодмонлик дастурхонини тортиб, камронлик ширасини тортилар. Уд ва анбар

куйдириб, димоғла р муаттар бўлур эрди. Ва лаълдек бодлар ва олтун, кумиш сароҳийлар тортиб, муғаннийлар нағмалар татиб, созандалар соз чалиб, “Хушбод нушбод!” уни фалак узра чиқди. Қомқор шаҳзодалар билан номдор салортинлар ва олиймиқдор бузруклар, акобиру ашрофким, ҳар сароидан келиб эрдилар, ҳар киши ўз ерига ўлтурди. Ва ясавуллар эгар, югани олтун отларига миниб эликларига олтундин гурзилар осиб ясавуллуқ қилур эрдилар. Ва Соҳибқироннинг ҳарамлариким ҳам бир Билкиси замон эрди бошларига маруссаъ тағтоқлар ва олтун била тиккон тўнлар кийиб хуршутдек тахтлари устида ўлтирур эрдилар. Ва жонпарвар сувчилар ва дилнавоз хонадонлар барча ишларига машғул бўлдилар. Бу тариқ била уч ойга айшу ишрат қилди ва бекаси Султон бегимни шаръи мутаҳҳара йўсуни бирла Искандар Мирзога берди .,(Шарафуддин Али Яздий, Кўрсатилган асар. Б.189-190).

Темурбек 1368 йилда Қайхусравнинг қизини ўғли Жаҳонгирга келинликка сўраган. Бу воқеа сабаб бир ой тантана қилинган, (Ҳаким Сатторий. Ҳазрати Соҳибқирон.Б.49).

Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи биродари Адоқ Сўфининг қизи Севинчбекани Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Жаҳонгирга берадиган бўлди.Суюнбека (Хонзодабегим) билан амирзода Жаҳонгирнинг никоҳ тўйи 1374 йил 13 майда бўлиб ўтган, (Б.Аҳмедов Амир Темур. Тарихий роман -Т.,1995. Б.189)

Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий “Мужмуали Фасиҳий”(“Фасиҳлар тўплами”) да ёзадики: “Жаноби олиялар Хонзода (бегимни) Хоразмдан олиб келдилар ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амир Темур Кўрагонга хотин қилиб бердилар. Амир Соҳибқирон қилдиларким, Кониғилда шундай тўй қилдиларки, ундайин тўйни ҳали ҳеч ким кўрмаган” (Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида.-Т.,1996 Б.199).

373-1374 йилларда Соҳибқирон Амироншоҳни Хоразм маликаси Хонзодага уйлантирган . 1377-1378 йилларда Амир Темур тўю –тантаналар байрамлар ўтказиб,боғлар бунёд эттирганган, (П.Равшанов. Шаҳрисабз тарихи.-Т..2011.Б.334)

Соҳибқирон “Темур қиссаси”да, Хоразмга юришида Юсуф билан муносабатлари ва Хонзодани амирзода Жаҳонгирга берганлигини баён этган. Итоат ва фармонга бўйсунуш аломати сифатида Хонзода хотунни даргоҳи олий тарафга жўнатди .Хонзода хотун ўша амирлар билан Самарқанд яқинига келгач олий мартабали хотунларга амр этдики истиқбол расмини бажо келтириб катта байрам ва улуғ тўй ва зиёфат тuzаттилар .Ва булардинким бу базмда саййидлар қозилар уламо ва бошқа аёнларга бағишлаб тўй маросимини бажо келтирсин. Тўй маросими тугагач амр этдимки , саййидлар ва қозилар Ҳазрат Мустафо (с.а.в.) шариати бўйича никоҳ ўқидилар ва худога шукрки барчаси ,.(Амир Темур Кўрагон Темур қиссаси.-Т., 2008.Б.237)

Соҳибқирон Ҳиротдаги куртлар сардори Ғиёсиддин Пир Али билан 1376-1377 йилларда элчилар алмашинади .Соҳибқирон унга хат ёзиб ажойиб жавоб олади. Темурбек синглиси Ширинбека Оқанинг қизи Суйунч Қутлуғ Оқани Ғиёсиддиннинг Пирмуҳаммад исмли ўғлига никоҳлашга қарор қилади. Амир Темур жиянини дабдаба билан Ҳиротга жўнатади ва катта тўй уюштирилади, (Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи .-Т.,2000.Б.215-216).Соҳибқирон бу пайтда Дилшод Оқага уйланган.

1378 йилда Амир Темур 12 яшар Туман Оқа шарафига Боғи Беҳиштни бунёд эттирган ва кейинчалик Туман Оқага уйланган .(Ҳилъда Ҳукҳем. Етти иқлим султони.-Т.,2007.Б.180)

Фасиҳ Ҳавофий ҳам ёзадики , Амир Соҳибқирон Амир Темур аслзодалардан келиб чиққан Туман Оқага уйланган , (Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида.- Т., 1996.Б.200).У Қазонхоннинг невараси эди.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий ҳам такидлайдики “Шу йили Ҳазрати Соҳибқирон амир Мусабекнинг пушти камаридан бўлган Маҳди Аъло Туман Оқани шариатга мувофиқ тўй - ҳашам қилиб ўз никоҳига олди.,(Шарафуддин Али Яздий Зафарнома. Т 1997.Б.86.Омонулло Бўриев. Амир Темур- Т.,2011.Б.82.)

1377 йил июлида Соҳибқирон Кониғил қишлоғида Оқдарё бўйида дам олаётганда Самарқанддан чопар келиб, ўғил кўрганлиги ҳақидаги хушxabарни олиб келади Бу пайтда Темурбек мунажжим Мавлоно Бадриддин билан шатранж ўйнаётган эди. Ўйин тугагач , чақалоққа Шохрух деб исм қўйилган ва тантаналар уюштирилганди,(Б Аҳмедов . Амир Темур .Тарихий роман. Б.221-224).

Соҳибқирон 1388 йил кузида Самарқандга қайтгач Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳар бир мўмин мусулмонни уйланмоғи ундан зурриёт қолдирмоғи даркор деган таълимотига амал қилиб ўғиллари ва набираларининг никоҳ тўйларини ўтказган. Бутун шаҳар, айниқса Боғи Беҳиштга ажойиб гиламлар тўшалди баланд-баланд кўшклар қурилиб, уларга дуру жавоҳирлар билан безатилган пардалар осилган.

Фарғона ҳукмдори шаҳзода Умаршайх шаҳзода Шохрух (11 ёшда эди)ҳамда Жаҳонгирнинг икки ўғли Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад жаннат хурлари мисол соҳибжамол маликаларга уйландилар , (Ҳилда Ҳукҳэм. Кўрсатилган асар. Б.121-122).

1390 йил баҳорида Соҳибқирон Оқдарёда қурултой чақирди. Лекин қурултой қолдирилиб , тўйга айланган. Умаршайх мирзони Суюнч Қутлуғ Оғанинг қизи Ширинбекага уйлантириб қўйишган.Тўйдан сўнг меҳмондорчиликлар бошланиб кетиб, Амир Сайфиддин барлос, Жаҳоншоҳ, Жоку барлос, Шамсуддин Аббослар Ҳазрат Соҳибқирон ва фарзандлари шарафига навбатма- навбат зиёфат беришган, (Б, Аҳмедов. Амир Темур. Тарихий роман. Б.324-325).

1390 йил қиши охирида Соҳибқирон Бухородан Самарқандга қайтиб амир Сулаймоншоҳга катта тўй-томошалар қилиб Султонбахтбегимни никоҳлаб берган , (Б.Аҳмедов. Амир Темур .Тарихий роман .Б .424).

Маррих Фасиҳ Ҳавофий ёзадики “Улуғ амир Сулаймоншоҳ Баҳодир ибн амир Довуд дуғлотнинг амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг қизи Султонбахт бегим билан унаштирилди, (Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида .-Т.,1996.Б.210).

Фасиҳ Ҳавофий ёзадики..Амир Соҳибқирон Оқар мавзесига (Шаҳрисабз) қурултой ўтказган. Амирзода Умаршайх Баҳодиршоҳ Севинч Қутлуғ Оқа уйлантирган, (Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида .Т..1996.Б.210)

1392 йилнинг Наврўз айёми арафисида Соҳибқирон Тошкентдан Самарқандга келиб, Кониғил яйловларида Умаршайхнинг ўғиллари Пирмуҳаммад Рустам ҳамда Мироншоҳнинг ўғли Абу Бакрларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган.,Темурбек уларни

турли Чигатой амир ва тархонлари қизларига уйлантирди .(Хильда Хукхэм. Кўрсатилган асар Б.137)

1392 йил баҳорида Соҳибқирон Самарқанднинг Ипор кўрғонига келиб тушган .Ундан гўзал гўша Конибил ўтиб, амирзода Мироншоҳнинг фарзанди Абубакр, Мироншоҳ , Пирмуҳаммад ва Рустам мирзоларнинг уйланиш тўйини ўтказган , (Б.Аҳмедов. Амир Темур . Тарихий роман Б.351-352).

1392 йил декабрда Эроннинг Ҳайлот мавзеида Соҳибқирон Самарқанд, Қарши , Марвдан омон-эсон ўтиб етиб келган .Темурбек у ерда Шосуман мавзесига Ҳумоюн ўрда тўхтаган ерга тушган. Сароймулкхоним бошлиқ шаҳзода ва оқалар шарафига катта тўй қилиб берган ,(Б.Аҳмедов .Амир Темур. Тарихий роман.Б. 361).

Амир Темур шаҳзодаларга келин танлаш ва уларни катта тўй қилиб уйлантиришга катта эътибор берган .Бу ҳақда Яздийнинг ”Зафарнома”сида да шундай баён қилинган. “Ва бу тўйдин ғараз бу эрдиким шаҳзодаларни каҳудо қилган .Соҳибқироннинг муборак хотиридин кечтиким амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Ижал ибн шаҳзода Мироншоҳ ва шаҳзода Умаршайх фарзандларидин амирзода Аҳмад ва Сайди Аҳмад ва Бойқаро ҳар бирига бир қиз берғайлар .Муқаррар бўлгондин сўнг саодату қазот ва уламо жомъ бўлуб Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарий хутба ўқуб никоҳ қилди.Ва қозийўл қуззоти Самарқанд Мавлоно Жалолиддин ижобу қабул амирига қиём қилди ва шаҳзодаларни ҳанафий мазҳабиға иқд боғлайдилар .Ва олам эли тилларини муборакбодқа очтилар.

Соҳибқирон давлатидин барча фақир мискин ғаний бўлди ва ҳазрат давлату саодат билан тахт устида чиқиб мажлисини оросотда қилдилар. Ва хонимлар ва оғалар (ва келинлар) барча ўзларини ясаб юз ҳашамат ва ноз била ўлтурдилар. Шаҳзодалар ва беклар ҳар бири ўз ерида ўлтурди. Ва элчиларким етти иқлимнинг (тўрт тарафидан) келиб эрдилар ун икки поянинг кўланкасиға ўлтурдилар ...

Бода ва қимиз ва бол ва мусаллас ва ароқ ва (шарои муадд) барча тайёр қилиб эрдилар. Шаҳзодалар навбат била аёғ туриб ича бошладилар . Таомдин турлуқ - турлуқ ошлар торттиларким тил анинг шарҳида ожиз турур .Элким ташқарида эрдилар алар учун ширалар ва таомлар муҳайё қилдилар . Ва ..Хушбоду нушбод .. уни олам ичида тушди .Яхши унлуқ муғаннийлар ун тортиб ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғулу ҳитойи арабу ажамдин ҳар ким ўз расми билан нима айтур эрди .

Ул жумлади Хожа Абдулқодирким беназири олам эрди қубуз ва ятуғон ва удни шодлик мизроби била чала бошланди . Ул суҳбатда ҳар шоҳ ва шаҳзодаға ва бекларга тўнлар кийдурдилар . Ва тожи мурассаъ ва олтун камар бердилар . Ва ҳар замон анча олтун танга ва кумушт тангадин анча сочар эрдилар хазон мавсимида яғочдин япроқ тўкулгандек .

Шаҳзодаларким дамод эрдилар ҳар бири ўз манзилиға юриб маъшуқнинг висолиға мушарраф бўлдилар .(Шу сурури ҳузур охириға фармон бўлдиким. Ҳар киши ўлдурғон ерида истағон нимани ўзи бирла олсун ва анга монийлик бўлмасун .

Тонгласи Соҳибқирон шаҳзодаларнинг евларига бориб сочиқлар сочдилар .Беклар тақи сочиқлар келтурди .

Элчиларким ҳар тарафдан келиб эрдилар барчага зарбофт тўнлар олтин камарлар берди .Ва икки ойгача тўй баҳонаси била айшу ишрат қилдилар, (Шарафуддин Али Яздий . Кўрсатилган асар., .Б.291.)

“Зафарнома”да ёзилишича шаҳзода Жаҳонгир Хонзода хоним билан зифоф (Тантанали никоҳ тўйи) ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд .Беклар тўй тартибига машғул бўлуб анча чодир ва шомийёна ва оқ тикдиларким фалакнинг юлдузларидин кўбрак .Ва ҳосса учун бир оқ уй кўк киби тикдиларким ичида тоши лаълу жавҳар билан мурассаъ эрди . Моҳ юзлуқ соҳийларнинг карашмалари аччиқ жоғирнинг нашъаси билан бир бўлуб ошиқларнинг ақлу хушларини талаб элтур эрдилар . Ва мутарибларнинг нағмалари наво оҳанги била ошиқларни беҳуш етар эрдилар .Уламоу фузало соатда ул ҳазратнинг мажлисида шаръи мутаҳҳара ёсуни билан ул ойни шаҳзода билан ақд боғладилар .Ва ҳар соридин ..Муборакбод.. деб дуою сано уни кўкка еткуздилар .Бас анжумани хусравий хилват эвига кирди ва олам қаро бурунчак бошиға борди ,(Шарафуддин Али Яздий . Кўрсатилган асар. Б.76-77) Кўриниб турибдики Соҳибқирон ўғиллари ва набираларининг Самарқанддаги бир тўйи маросимини ҳам теран баён қилган .Байрам тусини олган бу тўйда машҳур санъаткорлар туркча арабча мўғилча ҳиротча ва форсча кўшиқ ва рақслар ижро этишган. Муаррих мазкур тўй базмини ҳаяжон билан таърифлаб , меҳмонлар олдиға олтин ва кумуш суви югуртирилган идишларда турли таомлар тортилганлигини шароб ва мусалласлар кўп қўйилганлигини ёзади .Бу тўй ҳам икки ой давом этган.

Муаррих ёзганидек, “Бундай тўйни ҳатто Афросиёб ҳамда Фаридун замонасида ҳам ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган Шу тўйдан сўнг Темурбек фармон эълон қилиб, мамлакатнинг барча жойида шароб ичишни тақиқлайди. Чунки шароб одамларни ишдан қолдириб ҳар хил бузғунчиликларни ғараз ниятларни келтириб чиқаради (И . М.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.,”Фан”1993.Б.21).

Соҳибқирон даври тантаналари ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1360 йилларга бориб тақалади .Тарихий манбаларда Соҳибқирон даврида ҳар йили уюштирилган тантаналар ҳақида қизиқарли маълумот мавжуд . Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича , Моварауннаҳрдан Баён Судузни қувишда яқиндан ёрдам берган. Амир Ҳизр Ясаурий шарафига Шаҳрисабз шаҳридаги Улуғмайдондан катта зиёфат ва базм берган . Темурбек Ҳизр Ясаурийни меҳмон қилиб Самарқандга кузатиб қўяди,(Шарафуддин Али Яздий .Кўрсатилган асар .Б.22).

Амир Темур 1363 йил Амир Ҳусайн билан Шаҳрисабзда қурултой тузиб, унинг шарафига тўй берган ,(Шарафуддин Али Яздий .Кўрсатилган асар.Б.22).

Амир Темур 1363 йил Амир Ҳусайн билан Шаҳрисабзда қурултой тузиб, унинг шарафига тўй берган, (Шарафуддин Али Яздий. Кўрсатилган асар.Б.36-37)

Соҳибқирон таъкидлаган эдики ..Ва шу иш 1398 йил.Тангри таола Муҳаммад Жаҳонгирни сазовор қилди.У менинг биринчи фарзандим бўлгани учун унга

Муҳаммад (с.а.в.) исми шарифлари билан от қўйдим ва тўй бердим. (Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси .Т.2008.Б.101).

1367 йилда эса Соҳибқирон душманлик йўлига ўтган Амир Ҳусайн билан ярашиб шу муносабат билан бир неча кун узлуксиз тўй бериб тантана ташкил этган ва ўйин кулги ва хурсандчилик қилишган. (Шарафуддин Али Яздий. Кўрсатилган асар.Б.56-58).

Амир Темур 1370 йил апрель ойи бошида Балхда ҳокимиятга келишини ҳам тантанали нишонлаган .Бу ҳақда муаррих Шарафуддин Али Яздий шуни қайд этган .Ва ул маҳалда ҳазрат Соҳибқироннинг ёши ўттуз тўртта эрди ва бу иттифоқ чоҳаршанбада кунда рамазон ойининг ўн иккисида тарих етти юз етмиш бирда ит йилида (09.04.1370) бўлди. Давлат билан салтанат тахтида ўлтурғонда адлу қилуб халойиқ барча хурраму шод бўлуб даҳр ичра ғам оти йўқ бўлди ва айшу ишратдин ўзга эл ичида иш йўқ эрди .Ҳазрат соҳибқирон салтанат тахтида ўлтурғонда буюрдиким хазойинларни очиб ганж ва молдин ҳар нимаики бор эрди чиқариб ҳазрат қошида келтурдилар.Ул кун улуг тўй этиб барча беклар жамъ бўлуб ўлтурдилар,(Шарафуддин Али Яздий., Кўрсатилган асар .Б.67-68).

1390 йил баҳорида Соҳибқирон тўнғич қизи -суюкли ёри Камолой -Ўлжой Туркон оқадан ёдгорлик Султон Бахт Бегимни Сулаймоншоҳга эрга бериши ўғли Умаршайх мирзонинг Суюнч Қутлуғ оқани қизи Ширинбекага уйланиши муносабати билан тўй берган ,(Ҳ.Содиқов. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати.- Т.,2010.Б.161).

Амир Темур 1391 йил апрелда Тўхтамишхонга қарши юришда ҳозирги Қозоғистоннинг Улуғтоғида ёдгорлик ўрнатишга раҳбарлик қилган. 200 минг нафар кишилиқ қўшинга ош-палов ва бошқа таомлар пишириб зиёфат уюштирган, (Ҳ.Содиқов .Кўрсатилган асар .Б.171-172).

1391йил Амир Темур ҳозирги Россия Федерациясининг Самара вилоятида Қундузча (Қондурча) мавзесида Тўхтамишхон устидан ғалабаси муносабати билан қариб бир ой (26 кун) оммавий базм сифатида нишонлашга фармон берган .Бу ғалаба Самарқандда ҳам байрам қилинган. (Шарафуддин Али Яздий .Кўрсатилган асар .Б.131). Соҳибқирон Тўхтамишхонни енгач 1391 йил ёзида Самарқандга қайтиб бир неча кун давом этган байрам ўтказган.(Ҳильда Ҳукҳем.Кўрсатилган асар .Б .136).

1393 йилда Амир Темур Ҳамадон вилоятида кўкаламзорда боргоҳ сарпарда қурдириб, “комкорлик ва қудрат авжида айшу ишрат ва шодлик билан машғул бўлади . Сароймулк хоним ва Туман оқа подшоҳона тўй бердилар.Хушовоз ва ёқимли қўшиқ оҳанглар билан халқнинг кўнглини оладилар (Низомиддин Шомий Зафарнома. Т. 1996. Б.81-81.

1394 йил августда Сароймулк хоним Соҳибқирондан суюнчи олади. Амир Темур ҳозирги Туркиянинг Мингкўл шаҳридалигида (ҳозирги Бинбиёл шаҳри) ўғли Шохрухнинг иккинчи фарзанди шаҳзода Иброҳимнинг туғилганлигини эшитиб, шу воқеага бағишланган тўй берган .Беклар Соҳибқиронни шаҳзода билан муборакбод қилишгандан сўнг тўй тантаналарини ўтказишга ҳукм қилди .Муаррих Шарафуддин Али Яздий ёзганидек, “Ҳар неким керак бўлса муҳайё қилсунлар”,саропардалар била

боргоҳлар тиктуриб, тўйга машғул бўлдилар. (Шарафуддин Али Яздий. Кўрсатилган асар., Б. 171-172).

1394 йил август ойи охирида Соҳибқирон Кичик Осиё (Рум)нинг Форс деган мавзесида турганида Сароймулк Хоним чопари бир хушхабар олиб келган. Унда Шохруҳ Мирзо ўғил кўрганлиги ёзилган эди. Бу хабардан Темурбек беҳад хурсанд бўлиб яқинларига совғалар саруполар улашган ва тўй қилиб берган. Тобе мамлакатлардан олинадиган бир йиллик хирождан воз кечилган. Чақалоққа Иброҳим Султон деб исм қўйилган.

Соҳибқирон 14 сентябрда Минкўл мавзесида Шохруҳ мирзонинг ўғиллари Муҳаммад Тарағай (Улуғбек) ва Иброҳим Султонни кўрган, дуо қилиб, тўю-томошалар уюштирган Табиийки, тўйдан олдин ҳатм ўқитиб, Соҳибқирон ўғиллари, набиралари, хотинлари азадан чиқарилган, (Б.Аҳмедов. Амир Темур. Тарихий роман.Б. 410-412)

Амир Темур ва Темурийлар фармонида биноан ўтказиладиган байрамлар тасирида ҳунарманд усталар фаолиятининг касбий маҳорат даражаси яққол кўринади. Ҳунармандлар ўз касбларидан келиб чиқиб нондан кўшк, пахтадан минор ясаган. Кўчма тикув дастгоҳи шу ернинг ўзида мато тўқиб берган.

1394 йилда Самарқандда аслзодалар Амир Темурнинг Кавказдаги юришдан қайтган Шохруҳ мирзони тантанали кутиб олиш учун байрам уюштиришган, шаҳар кўчалари ва боғлар гилам, парча, атлас билан безатилган. Ҳунармандлар ўз санъатини намойиш қилган. Шохруҳ мирзо унинг сафдошларининг отларининг туёқлари остига аскарлар олтин-кумуш сочишган.

Урушдан ғалаба билан қайтиш, темурийлар хонадони вакилларининг тўйи каби воқеа-ҳодисалар муносабати ўтказиладиган тантаналар кунлари кўчалар ва майдонлар чодир-у айвонларга тўлиб кетарди. Аслзодалар учун мўлжалланган сарой мажлисларидан фарқли ўлароқ бундай байрамларда шаҳар аҳолиси ҳам қатнашарди. Самарқандда байрамлар шаҳар майдони ва шаҳар ташқарисидаги Кониғил мавзесида ўтказилган, чодирлар олдида хилма-хил моллар ёйиб қўйилган, созандалар куй чалишиб, масхарабозлар ва дорбозлар ўз ҳунарларини намойиш этишган. Уларнинг ҳар бири касбий маҳоратини кишиларга қувонч ва шодлик улашишдаги истедодлари билан ишга солишган.

Замондошлар шундай байрамлардан айримларини тасвишлаб қолдиришган. Хиротда Темурий маликалардан бирининг тўйи шундай ўтган. Пахта тозаловчилар пахтадан минора новвойлар эса нондан кўшк ясаб кўтариб ўтишган 1394 йил Шохруҳ мирзо Амударёдан то Самарқандгача кетгунга қадар бутун йўл бўйи байрамонга учрашувлар билан кутиб олинган. Аҳолиб “Темир дарвоза”дан бошлаб жамики шаҳарлар-у маҳалларни жаннатмонанд қилиб безатишган.

1395 йилда Шарвон малики Шайх Иброҳим Элбурс тоғидаги жангларда мардлик кўрсатгани учун унинг шарафига тўй берилади, тўққизлар тақдим қилинади, (Низомидин Шомий. Кўрсатилган асар. Б.218.). Темурбек Элбурс тоғи этагига кўниб, лашкарига дам берган., Хожа Сайфуддин тўй тараддудига тушган. Шимолга уюштирилган юришда зафар муносиб нишонланган, (Ҳаким Сатторий. Ҳазрат Соҳибқирон Т.2005.Б.127.)

Соҳибқирон ўз фаолиятида аёнлари билан кенгаш қилиш, қурултой ўтказишга алоҳида эътибор берган. У ҳарбий юришни бошлашдан олдин албатта қурултой чақирган. Кенгашдан сўнг қурултой чинакам байрамга айланиб кетган. Шундай қурултойлардан бири “Зафарномада” тасвирланган, “Киш келғонда, аввал, баҳордаким, олам гулу райҳондан, баҳишт бариндек, музаййн ва ораста бўлди, Соҳибқирон комкор қурултойга фармон қилди: Соҳибқирон комкор қурултой қилиб, тўй тортқондин сўнг барча бекларга иноятлар қилди”(Шарафуддун Али Яздий. Кўрсатилган асар.Б. 229).

1396 йилда сафардан қайтган Амир Темурни кутиб олиш учун Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарлар безатилган, кўшк ва чорбоғлар қурилган, уларда санъат аҳли ўз маҳоратини намойиш этган. Шарафуддин Али Яздий ёзганидек, “ Самарқанд аҳли бағрини ўйин-кулгу ва шодликка очиб шаҳарни безаб ва ҳар ёнда ажойиб кўшклар ва чорбоғлар қуришга киришдилар. Уларга хушхон ҳофизларни жойлаштирди”.

Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо 1396 йилда Форс вилоятини забт этганида Соҳибқирон уни ўз ҳузурига чақирган. Кўрдистондан ўтаётиб, Ҳурмоту қаъласи яқинида ўқ тегиб ҳалок бўлган. Амир Темур бу машъум хабардан кўп андуҳ чеккан ва Темурбек Уч Қаро баҳодирни Ҳормату қалъасига юбориб, Шерозга марҳум жасадини олиб келтурган. Шерозда тазия ўтказилиб, муваққат дафн этилган. Бир неча муддат ўтгач Умаршайх мирзонинг хотинлари Севинч Қутлуғ оқа бегим, Бека Мулк оқа бегим ва Мутлақ оқа бегим ва вояга етмаган ўғли Искандар Мирзолар шаҳзода жасадини Кешга олиб келишган ва темурийлар даҳмасига дафн этилган, (Т.Файзиев. Темурийлар шажараси.- Т., 1995. Б.84-85).

1396 йили Темурбекнинг Самарқандга келиши дабдаба билан нишонланган. “Ўша жойнинг аҳолиси шод ҳуррамликда сари қучоқ очиб, шаҳарни безатиш га киришишди. Ва ҳамма жойда шийпонлар қуриб хушовоз хонандаларни ўтқазиб қўйди” Бозорлар байрам майдонларига айланди. Ҳашаматли қилиб безатилган чортоқлар (тўрт томони тоқи равоқли шийпонлар) нинг сон-саноғига етиб бўлмас, уларнинг ҳар бири ложувард гумбаз осмони билан рақобатлаша оларди, (Белиницкий А.Н..Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии.в XIV-XV в.в. Гос Эрмитаж. – Труды, Отдела история культуры .Востока.т.П.Л.,1940. С.191.)

Фасиҳ Ҳавофий ;” Амирзода Искандарнинг Самарқанд Кониғилида Бека Султонга уйланиши шу муносабат билан тўй маросимлари ўтказилганлигини ёзган ,(Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида .-Т.,1996. Б.214). Ушбу тўй Боғи Дилкушода ўтган.

1397 йил баҳорида Ҳазрат Соҳибқирон Самарқанд теваарагида Боғи Дилкушо ва Боғишамол сўлим боғларини бунёд эттирган .Боғишамол боғида Соҳибқирон амирзода Мироншоҳнинг қизи суюкли набираси Билқиси Замонни Бикаса Султонга инъом қилди .Ўша жаннатмакон боғ қуриб битказилган кун эл юртга катта тўю томошалар қилиб берилди,(Б.Аҳмедов .Амир Темур .Тарихий роман .Б.451).

Соҳибқирон 1397 йилда Ҳизр Хожанинг қизи Тўқал хонимни Кониғилда катта тўй қилиб ўз никоҳига олади . Тўқал хоним хон қизи бўлгани учун ҳарамда Сароймулк хонимдан кейинги ўринда ” Кичик хоним” деб аталган .1397 йилда Соҳибқирон

Тўқалхоним шарафига Самарқандда Боғи Дилкушони барпо эттирган ,(Т.Файзиев. Темурийлар шажараси.-Т.,1995.Б.62)

Фасиҳ Ҳавофий ”Олий ҳазратлари ҳазрати Соҳибқироннинг Ҳизр Хўжанинг қизи Тўқалхонимга уйланиши муносабати билан Кониғилда берилган тўй” ҳақида ёзган.(Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида .-Т.,1996.Б.214). Тўй Боғи Дилкушода ўтган.

Мўғулистон томонидан келиннинг келаётгани хабари эшитилган .Олой Ўрду 15 кунлик йўлга пешвоз чиқиб қудаларни кутиб олдилар ,қаерда ўтсалар тўй бериб ,совғалар улашдилар .1396 йил 26 ноябрда Самарқандга етиб келдилар .Соҳибқирон Ҳизр Хўжа қизи Тўқалхонимни ўз никоҳига олиб, унга уйланган . Кониғилда катта тўй бўлади.Тўқалхоним Чингизхон наслидин бўлганлиги учун ”Кичик малика, ”Сароймулк хоним эса ”Катта малика ”саналган, (Ҳаким Сатторий . Ҳазрат Соҳибқирон. - Т.2005.Б.134).

1397-1398 йиллар Амир Темурнинг ҳаётида осуда кечган давр бўлган .Тўйдан кейин Соҳибқирон Кешга келиб турган. Астрободдан отасини кўргани келган Шоҳрух мирзо уни Кешда зиёрат қилган. (П.Равшанов. Шаҳрисабз тарихи .-Т.,2011.Б.333).

Соҳибқирон юришларида турли мамлакатлар маданиятидаги нодир намуналардан фойдаланишга интиланган. Самарқанд шаҳрига Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидан кўзга кўринган санъаткор, ҳунарманд, олиму фозилларни тўплаган.

Бу тантаналарга турли элат ва насабларга мансуб иштирокчилар қатнашишган. Муаррих Ҳофиз Абрў таъкидлайдики, хорижий савдогарлар Хитой, Олтой, Мароқаш, Миср, Ғарбий Европа ва Ҳиндистондан келишиб, байрамда иштирок этишган,(Низомиддин Шомий . Зафарнома. Б. 393-394). Савдогарлар ичида араб, ҳинд рақс усталари, Хитой моҳир кўшиқчилари, мўғул, олтой, қалмоқ чавондозлари, Эрон ҳофизлари, турли юртлардан келган масхарабоз ва муқаллидлар ҳам бўлган.

Соҳибқирон хорижий савдогарларнинг Туронда доимо бўлиб, маҳаллий ҳамкасблари билан алоқаларини мустаҳкамлашга қулай шарт-шароитлар яратиб берган. Ўз навбатида Турон ва Фарғона савдогарлари ҳам Буюк ипак йўли карвонларига қўшилиб, ўз санъатларини хорижда намойиш этишган. Санъаткорлар орасида эркаклар билан бирга аёл хонанда , созанда ва раққосалар ҳам ўз маҳоратларини кўрсатишган. Табиийки, бу Амир Темур даврида ўзаро маданий алоқалар санъатнинг янада ривожланишига ижобий таъсир ўтказган.

Амир Темур салтанатидаги тантаналар унинг ворислари даврида ҳам анъанавий тарзда изчил давом эттирилган. Темурийлар Соҳибқирон анъана, тантана, маъракалари, расм-русм ва одатларига ниҳоятда содиқ бўлишган. Шоҳрух мирзо , Мирзо Улуғбек, Абу Саъд мирзо , Ҳусайн Бойқаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, шунингдек Алишер Навоийлар кўплаб халқ сайиллари, байрам ва тантаналарини уюштиришда раҳнамолик қилишган.

Бу даврда Наврўз, Меҳржон байрамлари билан боғлиқ анъанавий сайиллар, суннат тўйлари, никоҳ тантаналари, қизил гул сайли (гули сурх),”Сус хотин”, “Хубби” каби маросимлар ҳам кенг кўламда тантанали тарзда ўтказилган.